*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 18 ноябрь, чоршанба № 227 (21.325).

## Ислом КАРИМОВ: ХИРМОНДАГИ ҲОСИЛ—ШУБҲАСИЗ ЭЛ-ЮРТНИНГ БОЙЛИГИДИР, АЙНИ ПАЙТДА У ТАНГРИ ИНЪОМ ЭТГАН ХАЛҚ НАСИБАСИДИР. УНИНГ ҲАР БИР МИСҚОЛИНИ НЕСТ-НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ КЎПАЙТИРИШ ШУ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИДИР!

● *Маррадан ўзганлар* ●

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Сирдарё вилоятининг қўриқ Меҳнатобод райони пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Улар бу йил давлат омборларига 27 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар. Ялпи ҳосилнинг 85 фоизи техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Умумий ҳосилнинг 80 фоизи эса юқори навларга сотилди.

Эришилган меҳнат зафарига райондаги И. Охунбобоев номли, «Меҳнатобод», «Янгиер», Э. Қаҳҳоров номли ва Ҳамза номли давлат хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу йилги ҳосил даромад нуқтаи назаридан анчагина баракали бўлди. Меҳнатободликлар ҳозирнинг ўзидаёқ район тарихида биринчи бор бир миллиард сўмликка яқин даромад олишни кўзда тутмоқдалар.

Далаларда йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Меҳнатободликлар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яна камида 5 минг тонна ҳосил йиғиб-териб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Меҳнатобод районидаги «Меҳнатобод» давлат хўжалигининг тўртинчи бўлими деҳқонлари мавжуд 252 гектар майдондан 320 тонна хом ашё топшириб, хўжалик хирмонига муносиб улуш қўшишди. Уларнинг нияти — яна 50 тонна пахта тайёрлаш.

Шу хўжаликдаги «Бахмал» кичик корхонаси аъзолари эса районда биринчилар қатори режани бажаришганди. Улар 231 гектар майдондан 460 тонна хом ашё тайёрлашди. Ялпи ҳосил 500 тоннага етказилади.

**Суратларда: 1. (чапдан) бригада бошлиғи Р. Мирзаев, механизатор А. Тўйчиев, бўлим бошлиғи А. Тоғаев, механик-ҳайдовчи А. Боймуродов, А. Хўжаназаров, хўжалик ХДП бошланғич ташкилотининг котиби А. Остонов ва механик-ҳайдовчи М. Аҳмедов. 2. «Бахмал» кичик корхонаси директори Уткир Норчаев.**

**Е. БОТИРОВ олган суратлар.**



**РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 17 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| ҚАШҚАДАРЁ | 0,47 | 103,35 |
| БУХОРО | 0,29 | 102,30 |
| НАМАНГАН | 0,15 | 100,11 |
| Фарғона | 0,67 | 98,43 |
| Андижон | 0,19 | 97,58 |
| Тошкент | 0,75 | 90,72 |
| Сурхондарё | 0,80 | 90,46 |
| Навоий | 0,84 | 89,49 |
| Сирдарё | 1,05 | 87,59 |
| Хоразм | 0,65 | 85,57 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,80 | 82,80 |
| Жиззах | 0,88 | 83,09 |
| Самарқанд | 1,06 | 74,12 |
| Республика бўйича | 0,64 | 92,05 |
| 1991 йилдагиси | 0,00 | 104,70 |

## *Зафар нашидаси*

**◆ Навоий вилоятида йиллик режани эгаллаб мажбурият ҳисобига ҳосил топшираётган районлар кўпаймоқда. Куни кеча Навоий райони пахтакорлари ғалаба манзилига етиб келишди.**

**Эл хирмонига 24 минг 120 тоннадан ортиқ саноат хом ашёси топширилди. Ана шу ҳосилнинг 14,5 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилди. Ҳар бир агрегат билан ўртача 80 тоннадан пахта териб олинди. Ҳосилдорлик эса район бўйича 26 центнердан ошиб кетди. Эришилган муваффақиятга А. Навоий номли, Қ. Раҳимов номли жамоа хўжаликлари ҳамда «Нарпай» давлат хўжалиги деҳқонлари муносиб ҳисса қўшишди. Мазкур хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 29—30 центнерга етди. Раҳим Шокиров, Носир Хаитов, Наим Қўчқоров бошлиқ бригадаларда эса 40—42 центнерлик марра эгалланди.**

**Ўз имкониятларини қайта чамалаб чиққан навоийликлар яна 3 минг тонна пахта териб топшириш ва умумий ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказишга азму қарор қилишди.**

**М. ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентига*

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

**Маълумки Шароф Рашидов ҳақида бор ҳақиқатни биринчи бўлиб айтиш жасорати Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан боғлиқ. «Биз раҳматлик Шароф Рашидов номи асл ҳолида тикланганидан беҳад мамнунмиз, — деб таъкидлади Президентимиз Жиззахдаги тантанада сўзлаган нутқида. — Биз унинг руҳи олдида, халқимиз олдида ва адолат олдида қарздор эдик. Биз Шароф Рашидов ҳақиқатини айтишда халқимиз иродасига суяниб иш тутдик ва бу йўлда адашмадик. Халқ баҳоси — энг олий баҳо».**

... Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, атоқли адиб, улкан жамоат арбоби Шароф Рашидов халқимизнинг ғурури ва ифтихоридир. Ў ўзининг бунёдкорлик ишлари билан Ўзбекистон мустақиллигига зимдан иқтисодий, маънавий замин яратилганлигини дилдан англаб етяпмиз ва унинг бу соҳадаги фаолиятини эъзозлашга бурчлимиз.

... Бугун Ўзбекистон мустақиллик йўлида жавлон уриб илгарилаётган экан, Ватаннинг покиза номи биз учун муқаддасдир. Шу покизаликни таъминлаш йўлида жасорат билан қурашаётган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов фаолиятидан мамнунмиз. Аслида у Шароф Рашидов номини тиклаш, руҳини ва хотирасини поклаш билан ўзбек халқини, жонажон Ўзбекистонни «пахта иши», «ўзбеклар иши» сингари маломатлардан қутқарди. Бу халқимиз миллий ғурури тикланишининг, ўзи-ўзини англашининг ижтимоий, маънавий гарови бўлиб қолажак.

**Бухоро давлат университетининг раҳбарияти, факультетлар деканлари, кафедра мудирлари, бир гуруҳ талабалар.**

* * *

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Президент Ислом Каримовга!

Рус халқи номидан қардош ўзбек халқининг буюк фарзанди, машҳур партия ва давлат арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг 75 йиллиги билан табриклайман, равнақ тилайман.

**Пётр МУРОМЦЕВ,**
**Уфа.**

* * *

Тошкент, ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовга!

Телевизорда буюк инсон Шароф Рашидов ҳақидаги кинони кўриб ниҳоятда ҳаяжонланиб ва тўлқинланиб ўтирдик. Шундай инсонни бадном қилмоқчи бўлганларга лаънатлар бўлсин. Шароф Рашидовнинг номини тиклаганингиз, унинг юбилейини ўтказишга қарор қилганингиз учун Сизга раҳмат. Худо омадингизни берсин.

**ТИЛЛАЕВ. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи райони.**

* * *

Ш. Рашидов юбилейини ўтказувчи жумҳурият комиссиясига

Жуда ажойиб иш бўлди. Шароф аканинг ўзидай камтар, қалбидай саховатли, меҳридай жўшқин тадбир ўтказилди. Айниқса Президентимизнинг маърузаси барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди. Бизнингча, Рашидов номини халқаро миқёсда кўтариш чораларини кўришимиз керак. Бундай қилишга ҳақлимиз.

**Самарқанд кўз касалликлари шифохонаси жамоаси номидан бош врач Бахтиёр Сандов.**

● *Воқеалар изидан*

## ҲЕЧ НАРСА ТИНЧЛИКНИНГ ЎРНИНИ БОСОЛМАЙДИ

**Хўжанд, 17 ноябрь. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири Л. Левин** ҳабар қилади:

Тожикистоннинг Ленинобод вилояти маркази Хўжандда кечқурун қош қорайгач, шаҳар яқинидаги Саидҳўжа Ўринҳўжаев номидаги жамоа хўжалигининг маданият саройида шу мустақил республика Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси очиқ деб эълон қилинди.

...Журналистик фаолиятимда кўп воқеаларни — Брежнев ва Горбачев ташрифларини, СССР халқ ноиблари анжуманларини, подшоҳлар ва шаҳзодалар ташрифини ёритганман. Лекин ҳеч қачон Хўжанддагидек қаттиқ назоратга дуч келмаган эдим.

«Халқ ноиблари, Тожикистон халқи сизларни ақлзаковат билан иш тутишга даъват этади!» шиори маданият саройини безаб турибди (бу шиор ҳушёр тортиб, ўйлашга мажбур қилади). Сарой эшигига юз метрча қолгунига қадар бизни олти марта тўхтатишди. Автоматлар ўқталиб қаттиқ текширишди. «Сумкани кўрсатинг! Чўнтакларни ағдаринг! Ҳужжатларни кўрсатинг!» — Офицерларнинг ана шундай лўнда буйруқлари эшитилиб турарди.

Тожикистондаги урушни фақат битта конституциявий идора — Олий Кенгаш сессияси тўхтатишга қодир эканлиги оммавий ахборот воситаларида хабар қилинган эди. Сессия қарор қабул қилиши учун камида 154 депутат иштирок этиши керак, шунча депутат тўпланмаслиги мумкин, деб асосли равишда хавфсирашлар ҳам бўлди. Лекин Хўжандга ундан ҳам кўпроқ халқ ноиби — рўйхатдаги 230 кишидан 197 нафари келди. Улар Тоғли Бадахшон ва Душанбедан, Қўрғонтепа ва Қўлобдан келишган... Энди улар ўз Ватанлари тақдирини ҳал этишлари лозим!

...Сессия соат 16 дан 30 минут ошганда бошланди. Бунгача Тожикистоннинг ҳамма минтақаларидан халқ ноиблари кирган мурроса комиссияси мажлис ўтказди. Тожикистон Олий Кенгаши Раёсатидаги ходимлар томонидан тузилган кун тартиби ҳам кулгили, ҳам ачинарли бўлиб чиқди. Ўнта масала қўйилган! Асосий масала — «Ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш тўғрисида»ги масала кун тартибининг энг охирида турибди. Сессиянинг кооперация ва технология алоқаларини сақлаб қолишга кўмаклашадилар. Нархни барқарорлаштириш ва тартибга солиш мақсадида четга сотиш миқдорини белгилаб қўйган маҳсулотларнинг энг муҳим турларига доир масалаларни бир-бирларига, клиринг асосида пахта толаси ва нефть ҳамда нефть маҳсулотлари етказиб бериш билан ҳал қиладилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Россиядан олинган 4,0 миллион тонна нефть, 150 минг тонна автомобиль бензини, 71 минг тонна дизель ёнилғиси, 800 минг тонна мазут эвазига 544 минг тонна тола етказиб бериш мажбуриятини олади. Россия Федерациясидан олинадиган товарлар турн юздан ортиққа камайиши муносабати билан шартномасавдо идоралари ёки таъминотчилар ва истеъмолчилар ўртасида бевосита тузилган шартномалар асосида мол айирбошлашни амалга ошириш кенг ривожланади.

(Давоми иккинчи бетда).

Тожикистон Республикасининг Президенти вазифасини бажарувчи А. Искандаров очди. Олдиндан шуни айтиб қўяй, халқ ноиблари сессия кун тартибини кечгача тасдиқлай олмадилар. Улар иш тартиби хусусидаги баҳслар билан банд бўлиб қолишди. Баҳслар шу даражага бориб етдики, мажлисга раислик қилувчи (А. Искандаров) фикрига ва халқ ноибларининг тутган йўлига Тожикистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи баҳо берсин, деган гаплар эшитилди.

...Шунга қарамай сессия бошланди, сира иккиланмай уни тарихий сессия деб аташ мумкин. Шу ўринда яқинда юз берган воқеаларни айтмаслик мумкин эмас. Маълумки, бир неча ой муқаддам Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Эрон раҳбарлари Ашгабадда тўпландилар. Айни ўша пайтда, Тожикистонда фуқаролар уруши олов аланга олмай турибоқ Эрон президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Ислом Каримовнинг қатъий илтимосига биноан телефон орқали Тожикистоннинг ўша вақтдаги президенти Раҳмон Набиевга мурожаат қилган эди. Суҳбат жуда қисқа бўлди: республикага ташқаридан аралашувсиз ёрдам бериш зарур! Мустақил давлатларнинг раҳбарлари, бу давлатларнинг халқлари шундай ёрдам беришга тайёрдирлар. Вақтни бой бермаслик керак, дейилди.

Афсуски, Р. Набиев ўшанда ёрдамдан воз кечди, аҳволни барқарорлаштириш учун икки кун муҳлат керак, деди. Бироқ вазифани ҳал қила олмади...

4 ноябрь куни И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Ақаев, А. Козирев ва А. Искандаров шошилинч тарзда Олма отага тўпланишди. Ўшанда 20 ноябрга қадар Тожикистонда республика Олий Кенгашининг сессиясини ўтказиш, у ерга одамийлик ёрдамини тақсимлаш ва вужудга келган аҳволни жойларнинг ўзида ўрганиш учун қўшин давлатлар президентларининг вакилларини юбориш тўғрисида биргалиқда қарор қабул қилинди. Бу қонли тутунни бир-бирларига қарши қурашаётган томонлар иштирокидаги миллий тотувлик ҳукуматигина ечиб ҳал қилиши мумкин.

Шундай қилишга муваффақ бўлинди. Президентлар шахсий вакилларининг иши, уларнинг жанг қилаётган барча минтақаларда халқ билан учрашувлари уларга Тожикистондаги фуқаролар урушни бир неча гуруҳларнинг сиёсий нафсонияти якунидир. Бу урушга миллатлараро нифоқ нуқтаи назаридан қарамаслик керак, деган якдил хулосага келиш имконияти берди.

Ҳақиқатан ҳам ҳозир қўшни республикадаги хунрезлик ривожланган Шимол билан қашшоқлашган Жануб ўртасидаги қарама-қаршилик натижасида келиб чиққан деган фикрлар айтилмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Бу жўн савол эмас. Ходимлари юқори малакали бўлган, қудратли саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб турган Ленинобод вилояти иқтисодиётда ҳамиша пешқадамлик қилган бўлса, тоғли районлар қудратли электростанциялар, энергетика билан боғлиқ тармоқлар қурилиши ҳисобига ривожланиб келди. Шундай бўлиши табиийдир. Бироқ, таассуфки, сўнгги вақтда иқтисодий ҳисоблар, мантиқ четга суриб қўйилди. Президентларнинг, Бош вазирларнинг, Олий Кенгаш Раисларининг, вазирларнинг қайси ҳудуддан чиққанлиги биринчи ўринга қўйилди...

Шу ўринда яна бир муҳим масалани четлаб ўтиш мумкин эмас: республика Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси нима учун Ленинобод вилоятида, шаҳар четида ўтмоқда?

Ҳа, булар соф сиёсий, соф ижтимоий жиҳатлардир! Вилоятда вазият барқарор, ҳамма корхоналар ишлаб турибди, одамлар турмуши ёдан чиқмаган. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўринҳўжаев номидаги жамоа хўжалиги маданият саройи тўғрисида гапирганда эса миллион аҳолиси бўлган шаҳар ҳам шундай ҳашаматли бинони орзу қилса арзийди. Бундан ташқари, хавфсизлик ташкилотлари учун бу ерда халқ ноиблари анжуманини ўтказишга меъёрий шароит яратиш анча осонроқ.

...Бугун ҳам сессия баҳслар билан бошланди. Баҳсларнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Ҳар бир халқ ноибининг ўз Ватанида юз бераётган воқеалар хусусида ўз фикри бор. Мустақил давлатлар тинчлиги ва келажаги масалалари бир зумда ҳал қилинмайди. Тожикистоннинг ҳамма минтақаларидан келган халқ ноиблари билан кўп суҳбатлашдим. Аксарият халқ ноибларининг фикри бир хил: Тожикистонни тинчлик, фақат тинчлик қутқариб қолади.

Ҳозирча эса Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

**● 13 ноябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумат раҳбарлари даражасида иккала мамлакат ўртасидаги 1993 йилги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинди. Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо муносабатлари ва ўзаро савдо ваколатхоналари ташкил этиш тўғрисида бир қатор битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси делегациясига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, Россия Федерацияси делегациясига Россия ҳукуматининг раиси вазифасини бажарувчи Е. Т. Гайдар бошчилик қилди.**

РОССИЯ Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари 1992 йил 30 майда тузилган мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома қоидаларига амал қилиб, ўзаро манфаатдорлик негизида Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилиб, ҳар бир давлатнинг мустақил ташқи иқтисодий сиёсат ўтказиш ва тегишли халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш қонуний ҳуқуқига асосланиб, Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо муносабатлари тўғрисидаги битимни имзоладилар, шу битимга мувофиқ Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо муносабатлари эркин савдо тартибида амалга оширилади, деб аҳдлашиб олдилар.

Аҳдлашувчи томонлар бир томоннинг бож ҳудудидан, иккинчи томоннинг бож ҳудудига юборишга мўлжалланган моллар четга чиқарилиши ёки келтирилишига бир хил амал қиладиган бож пошлиналари, солиқлари ва йиғимларини қўлламайдилар. Томонлар ушбу битим доирасида молларни четга чиқариш ёки четдан мол олиб келишга миқдорий чеклашларни ёхуд шунга ўхшаш чораларни қўлланишдан тийилиб турадилар. Миқдорий чеклашларни қўллаш муносабати билан вужудга келадиган ҳамма масалаларни улар маслаҳатлашув йўли билан ҳал қиладилар.

Қоида тариқасида бир-биридан харид этилган молларни экспорт қилиш таъқиқланади, шунингдек, уларга тариф ва нотариф йўли билан бошқариш чоралари қўлланадиган молларнинг рўйхати белгиланади. Бундай моллар учинчи мамлакатларга мазкур моллар ишлаб чиқарилган мамлакат давлат идоралари вакилларининг ёзма розилиги билан ва улар белгилаб берган шартлар асосидагина экспорт қилиниши мумкин.

Томонларнинг ўз ҳудудларидан юкларни бемалол ўтказиш қоидасига риоя этишлари ушбу Шартнома мақсадларига эришишнинг муҳим шарти ҳамда уларнинг халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациялаш тизимига қўшилиш жараёни муҳим жиҳатидир. Шу муносабат билан ҳар бир томон бошқа томоннинг ёки учинчи мамлакатнинг бож ҳудудидан келаётган ва бошқа томоннинг ёки ҳар қандай учинчи мамлакатнинг ҳудудига мўлжалланган моллар ўз ҳудудидан тўсқинликсиз ўтишини таъминлайди. Томонлар экспортни назорат қилиш юзасидан келишилган сиёсатни ўтказиш мақсадида давлатлараро мувофиқлаштириш кенгашини тузишлари мумкин.

Мазкур битимни талқин этиш ёки қўлланиш хусусида аҳдлашувчи томонлар ўртасида чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

Россия Федерацияси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1993 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида, иккала давлат ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари ўртасида бозор муносабатлари ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш зарурлигига асосланиб, томонлар Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланади, деб келишиб олдилар.

Ушбу битимда Россия Федерациясида ва Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган ва тайёрланадиган асосий маҳсулот турларини ўзаро етказиб бериш ҳажмлари белгилаб қўйилди. Томонлар энг муҳим турдаги маҳсулотларни етказиб бериш, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми хусусида шартнома тузишни тегишли ташкилотларга топширадилар, шунингдек маҳсулотларнинг бошқа турларини етказиб бериш юзасидан таклиф топган хўжалик алоқаларини, шу жумладан,



• ТУРКИЯ—ЎЗБЕКИСТОН •

**Туркия Президенти Турғут Ўзол ва Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл Туркия Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни тантаналарида ҳозир бўлганимизда Ўрта Осиё мустақил республикалари орасида, айниқса Ўзбекистонимизга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатдилар.**

Шавкат ЯҲЁЕВ

# «ҲАММАДАН ҲАМ ЎЗБЕКИСТОННИ КЎПРОҚ СЕВАМИЗ, АРДОҚЛАЙМИЗ ВА ЁРДАМ БЕРАМИЗ»

ЎЗБЕКИСТОН Президенти Ислом Каримовга билдирилган юксак ишонч ва иззат-ҳурмат ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстликнинг умрбоқийлигидан ёрқин далолат бўлди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, қадимий Турон элидаги бир-бирига пайвандлик, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги йирик ва мустаҳкам мавқега эга бўлган мустақил республика эканлигидир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрни ва обрўси бор. Биз — жаҳонга, жаҳон — бизга кенг қучоқ очмоқда. Тинчликсевар ташқи сиёсат юритаётган республикамиз ўз истиқлоли сари шаҳдам одим ташламоқда. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида муҳим амалий қадамлар қўймоқда. Жаҳон мамлакатлари ўртасида, айниқса бизнинг Туркия Республикасига бўлган иҳлосимиз ва эътиборимиз бошқача бир меҳрли ва жозибалидир. Нега, деган саволга лўнда қилиб шундай жавоб бериш мумкин: ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик сарчашмалари амалий жиҳатдан ниҳоятда бойлиги билан беқиёсдир. Турғут Ўзол бизнинг мустақиллигимизни биринчилар қаторида тан олиб шундай деганди: «Туркия қардош ўзбек халқининг барча янги қадамларини қўллаб-қувватлайди, бу йўлда унга мадад беришга тайёр!». Ислом Абдуғаниевич Каримов: «Биз ўз йўлимизни танладик ва ундан қайтмаймиз. Биз Туркия билан мустаҳкам ҳамкорликда ана шу йўлдан боравермиз!» — деди.

Ҳа, азалий дўстлигимиз пўлатдек мустаҳкамдир. Биз буни қардош Туркиянинг миллий байрами — Республика кунининг 69 йиллик тантаналарида қатнашганимизда яна бир бор чуқур ҳис этдик. Қаранг, бу ерда биринчи марта собиқ совет империяси истибдодидан қутилиб, мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон республикаларининг давлат раҳбарлари бу байрамда иштирок этдилар. Аммо, турк халқининг катта тўйи баҳонасида бу ерда бўлиб ўтган муҳим воқеалар, учрашувлар дилтортар суҳбатларнинг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш учун ўнлаб саҳифалар ҳам камлик қилади! Шунинг учун ҳам қардош Туркияга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлатимиз делегациясининг шу йил октябрь ойининг сўнгги кунларидаги расмий сафари чоғида олган таассуротларимизнинг «қаймоғи»ни ифодалашга жазм этдик.

ТУРКИЯ давлати ўз қувончини биз билан бирга баҳам кўргани, туркийзабон — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Президентларини лутфан таклиф этиб, уларнинг байрам тантаналарида иштирок этгани жуда катта рамзий маъно касб этди. 1923 йил 29 октябрь куни Ота-Турк томонидан Туркия мустақил республика, деб эълон қилинди. Ана шундан буён ўтган салкам 70 йил мобайнида Туркия иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда катта ютуқларга эришди. Кўпгина нуфузли ва обрўли ташкилотларнинг аъзоси бўлган мамлакат ўз давлатини кенг демократик ва ҳуқуқий асосларда ривожлантирмоқда. Ҳозирги мураккаб шароитда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида Туркиянинг тараққиёт йўлидаги ишончли ва шаҳдам одими ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасидаги тадбиркорлиги бизнинг ёш, мустақил Ўзбекистонимиз ва Ўрта Осиё республикаларининг ўз йўллари бўлса-да, аммо улар бир-бирлари билан чамбарчас боғланган қондош, жондош давлатлардир. Буни тан олмаслик, сезмаслик келажак нуқтаи назаридан қараганда ҳам иймон ва инсофдан эмас. Туркия бизларнинг бошимизни янада жипсроқ қовуштирди.

Шундай бир фикр вужудимни қамраб олдики, Ўрта Осиёдаги республикалар ҳар қайсиси ўз қиёфасини сақлаб қолган ҳолда туркийзабон халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш йўлида ҳамжиҳатликда иш олиб боряпти. Бу фақат менинггина фикрим эмас, балки суҳбатда ҳозир бўлган барча журналистларнинг берган баҳосидир.

Тўрт кунлик сафаримиз чоғида Анқарада унинг аҳолиси билан ҳам ҳамсуҳбат бўлишга муваффақ бўлдик, бозорларда ва бошқа гавжум жойларда халқ ҳаёти бирлан қизиқдик. Ҳамма жойда Туркиянинг муваффақиятлари, Турғут Ўзол бу ерда бошлаган ислоҳотлар ҳозир жуда яхши самаралар берганлигининг гувоҳи бўлдик. Жаҳонда тараққиёт ва ривожланиш сари бораётган мамлакатлар кўп, аммо улар орасида Туркия бугунги кунда алоҳида ўрин тутади. Негаки, у илғор дунё тажрибасиниг фақат ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ижобий жиҳатларнигина қабул қилди. Демократик ва ҳуқуқий муносабатлар, илм-фан, хусусий ишлаб чиқариш ва тижорат, қонуний кафолатга эга чет эл сармоялари, қолаверса миллий яқдиллик асосида яратилган турк модели бутун жаҳон миқёсида тан олинди ва бошқа давлатлар учун ҳам ўзига хос тажриба мактабини ўтамоқда. Тўғри, Туркияда ҳамма аҳоли табақалари бир хилда тўкис деб бўлмайди, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бор. Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари нархи баландроқ. Бироқ бизни хурсанд қилаётган нарса шуки, Туркия халқи жуда яқдил, уларда миллий ғурур ҳисси кучли. Улар бу кунларга курашлар ва фидокорона меҳнат туфайли эришганлар, бу эса Туркиянинг гуллаб-яшнашига ва аҳоли фаровонлигига олиб келганлигини каттаю кичик чуқур ҳис этмоқда.

Маълумки, собиқ иттифоқдаги республикалар бугунги кунда мураккаб даврни бошдан кечиришмоқда. Халқлар томонидан қўлга киритилган мустақиллик ўз иқтисодий тараққиётида бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Ана шу қийинчиликларни бартараф этишда Туркиянинг бой тажрибаси, унинг тараққиёт йўли бизга катта фойда келтиради. Анқарадаги Олий даражадаги учрашув кун тартибига ҳам асосан бозор иқтисодиётига доир масалалар киритилганлиги бежиз эмасди.

ДАВЛАТ раҳбарларининг учрашувидаги аҳдлашувларига оид қўшма баёнот қабул қилингани, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларни яна бир поғона юқори кўтариш йўлида қўйилган муҳим қадам ҳақида матбуотимизда кенг ва атрофлича ёритилди. Аммо энг ҳаяжонли, бир умр ёдда қоладиган воқеа ҳақида тўхтолмай ўтолмаймиз. Анқара шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди! Хорижда Шарққа хос удумга кўра, Туркия таваллуд топган муборак кунларда элчихонанинг очилиши ғоятда рамзий маъно касб этади. Туркия тажрибаси биз учун ибратли, биз унинг йўлидан бораяпмиз. Элчихонамиз эса унга ўзбек элининг иссиқ меҳрини бериб туради. Туркиянинг ой-юлдузли байроғи ёнида бизнинг ҳам ой-юлдузли байроғимиз ҳилпираб турибди. Туркий халқларда ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, деган нақл бор. Ўзбекистон ҳам Туркия сингари ёруғ кунларга эришди. Ўз ватанига эътиқод, садоқат ва фидойилик туфайли бу ёруғ кунлар насиб этди. Ўзбекистонимиз истиқлолнинг ёруғ йўлидан шаҳдам одимламоқда.

(Давоми бор).



● СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Анқара шаҳридаги президентлар учрашувида. 2. Анқара шаҳри кўриниши.
Ф. НИЗОМОВ олган суратлар.

# ДУНЁ ОВОЗИ

### КЎРГАЗМАДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР

**● Ўзбекистон кўргазма марказида пахтани ишлаш машина ускуналари биринчи халқаро кўргазмаси — «Пахта — 92» ниҳоясига етди.**

Бу ерда ҳамкорлик тўғрисида қатор шартномалар имзоланди. 15 мамлакатнинг 25 та фирмаси кўргазмада ўз маҳсулотини намойиш этди.

Мустақил Ўзбекистон вакиллари Польша, Германия, Швейцария бошқа мамлакатларнинг етакчи фирмалари билан ҳамкорлик шартномаларига имзо чекишди.

### НУФУСШУНОСЛАР УЧРАШУВИ

**● Парижда нуфусшуносларнинг илмий анжумани бўлиб ўтди. Учрашув Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Маориф, фан ва маданият масалалари ташкилоти (ЮНЕСКО) ва бошқа маҳкамалар томонидан уюштирилди.**

Сайёрамизда аҳолининг тез кўпайиб бориши ва бу жараён минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қандай таъсир кўрсатади? Турли мамлакатдан келган мутахассислар бу муаммони атрофлича муҳокама этишди.

Нуфусшуносларнинг Франция пойтахтидаги учрашуви аҳоли тараққиёт масалаларига бағишлаб яна икки йилдан сўнг Қоҳирада ўтказиладиган халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш доирасида бўлди.

### НОН ЎЛЧАБ БЕРИЛМОҚДА

**● Арманистонда аҳолини нон билан таъминлашда талон системасига ўтилди.**

Энди ҳар бир киши қўлига 250 граммдан нон берилади. Унинг нархи 8 сўм. Мамлакат ҳукумати шу йўл билан сўнгги ойларда аҳолини нон билан таъминлашдаги қийинчиликларнинг олдини олиш ниятидадир.

Маълум бўлишича, Москвада оқ нон (1 килограмм ҳисобида) 20-25, Минскда 11-35, Олмаотада — 9-15, Киевда — 7, Кишиневда 22-32, Санк-Петербург шаҳрида 36 сўмдан сотилмоқда.

### САФАР ТАРАДДУДИНИ КЎРМОҚДА

**● Яқиндагина Берлиннинг фахрий фуқароси номини олган СССР собиқ президенти Михаил Горбачев Чилига бориш учун тараддуд кўрмоқда.**

Сафарни декабрь ойида ўтказиш мўлжалланган. Собиқ президент маҳаллий ишбилармонлар ҳузурида лекциялар ўқиш ниятидадир.

### КУЧЛИ БЎРОН БЎЛДИ

**● Донецк вилоятида кучли бўрон бўлиб ўтди.**

Икки сутка давом этган табиий офат вақтида тезлиги секундига 26—30 метрга етган шамол 102 уйни, 69 юқори кучланишли электр таянчини ишдан чиқарди. Натижада 50 оила уй-жойсиз, 16 аҳоли қўрғони чироқсиз қолди.

Дастлабки маълумотларга қараганда табиий офат натижасида вилоятга миллион сўм зарар етган.

### БАШОРАТМИ... ЁКИ...

**● Япония фолбинлик санъати уюшмасининг президенти Х. Асано мухбирлар билан суҳбатлашди.**

Суҳбат чоғида у «Башарият ўз тараққиётида инсоннинг табиат, сайёралар, коинот билан боғлиқ барча алоқаларда кескин ўзгаришлар содир бўлиши кутилаётган қалтис босқичга қадам қўйди», деб айтди.

Ғайри табиий кучлар билан мулоқот қила оладиган тоифалар уюшмаси расмий президентининг таъкидлашича, ҳозир инсоният бошдан кечираётган таназзул фақатгина уйғониш давридаги қийинчиликлар ва ўзгаришлар кўлами билан тенглаша олади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

# Иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Томонлар Россия Федерацияси ёқилғи — энергетика мажмуи билан Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш ва қайта ишлаш мажмуи эҳтиёжларини қондириш борасида ўзаро эътибор берадилар. Ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар шартнома нархлари асосида амалга оширилади. Томонлар қўшма корхоналар, шу жумладан, учинчи томонларнинг хўжалик субъектлари иштирокидаги қўшма корхоналар барпо этишга ва уларнинг фаолиятига кўмаклашадилар, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтираётган иншоотларга биргаликда сармоя сарфлашни ташкил этиш ишини ўзларининг тегишли идораларига топширадилар.

Протокол иловасига кўра, «Росконтрактторг» ва «Ўзбекшартномасавдо» идораларига Шартнома асосида ушбу икки комплекс эҳтиёжларини қондириш вазифаси топширилади.

Шу битимлар билан бир қаторда иккала давлат пойтахтларида бир-бирларининг савдо ваколатхоналарини очиш тўғрисида келишилди. Савдо ваколатхоналари Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашади, шу мамлакатда савдо-сотиқ ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турларига тааллуқли барча масалаларда ўз давлати манфаатини ҳимоя қилади, савдо ваколатхонаси очилган мамлакатдаги иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолият соҳасига доир қонунлар ҳақида ўз мамлакати давлат идораларини хабардор қилиб туради, ўзи жойлашган мамлакатдаги манфаатдор идораларга ўз мамлакати тўғрисида худди шундай маълумотларни бериб туради.

Савдо ваколатхоналари ўз давлатлари номидан иш юритади. Савдо вакили ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, савдо ваколатхонасининг маъмурий ва техник ходимлари халқаро ҳуқуқларга мувофиқ тегишли дипломатия ваколатхоналари фойдаланадиган имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланадилар. Томонлар ўртасидаги аҳдномага биноан мамлакатнинг бошқа шаҳарларида алоҳида савдо ваколатхоналари очилиши мумкин. Бу бўлинмаларнинг ҳуқуқий мақоми шу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро аҳдлашувга мувофиқ белгилаб қўйилади.

Савдо ваколатхоналарининг очилиши ўзаро манфаатли савдо муносабатларини янада самарали ва малакали амалга ошириш имкониятини яратади.

Битимларнинг имзолаши Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, иккала давлат иқтисодиётини барқарорлаштиришга ёрдам беради.

# МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНХОНАСИ

**● Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясида салкам тўрт ойдан бери фаолият кўрсатаётган элчихонаси қошида 150 ўринли замонавий меҳмонхона ишга туширилди.**

«Энди хизмат юзасидан Москвага келадиган ҳар бир ўзбекистонлик авваргидек, қаердан жой оламан, деган муаммо хусусида бош қотирмайдиган бўлди», — деди МДҲ ҳукуматларининг раҳбарлари йиғилишида иштирок этиш учун Москвага келган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов меҳмонхонанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиқиб.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Юсуф Абдуллаев ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

# ДАВЛАТ ПАСПОРТИ

Бирорта ҳам қонун ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат давлат Конституцияси қоидаларига зид бўлишлигига йўл қўйилмайди. Аксинча улар Конституциянинг ҳар бир жумласи, сўзига эътиборан қабул қилинади. Шундагина улар конституциявий қонунлар ва ҳуқуқ меъёрлари бўла олади. Демак, Конституцияни Асосий Қонун деб аташ ҳам жоиздир. Айни пайтда Конституция давлатнинг мутлақ «шахси ва қиёфаси»ни мужассамлаштирганлиги сабабли давлатнинг паспортидир.

Халқ муҳокамасига ҳавола этилган лойиҳа юзасидан ўз фикримни билдириш ҳуқуқидан фойдаланиб, айрим таклифлар киритмоқчиман.

81-модданинг 1-қисмида «Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси Раисини ва унинг уч ўринбосарини, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасидан ўринбосарини сайлайди» дейилади.

Менимча, ўринбосарлар сонини учта қилиб Конституцияда белгилаб қўйиш нотўғри. Вақт ва шароитга қараб улар сони ўзгариши мумкин. Конституция ҳам ўзгариши керакми? Бундан ташқари, улардан бири «Биринчи ўринбосар» бўлмоғи лозим. Умуман, ўринбосарлар сони масаласини Олий Мажлиснинг ечимига, унинг регламенти орқали қолдириш керак. «Шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасидан ўринбосарини сайлайди» дейилган қисми бўйича эса, 82-модданинг 2-қисмидаги «Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири, лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлган Қорақалпоғистон вакили ҳисобланади» деб қўйилганлиги етарли бўлиб, юқоридаги жумла туширилиб қолдирилса бўлади.

Кўрсатилганлардан келиб чиқилган ҳолда, 81-модданинг 1-қисми «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Олий Мажлис Раиси, унинг **биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини сайлайди»** деган матн ўзгартирилишини таклиф қиламан.

82-модданинг 3-қисми «биринчи ўринбосари» сўзи билан тўлғазилиши керак. Шу модда 5-қисмида ҳам «депутатларнинг учдан икки қисми» деган жумлани **«барча»** ёки **«йиғинда иштирок этаётган»** сўзлари билан тўлдириб, аниқлик киритиш лозим. Шу ердаги «учдан икки қисмидан кўпроғи берган яширин овоз билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси муддатидан олдин чақириб олиниши мумкин», жумласидаги «мумкин»ликни «чақириб олинади» деб ўзгартириш керак.

Бундан ташқари, лойиҳада Олий Мажлис Раиси қаторида унинг биринчи ўринбосар ва ўринбосарларини сайлаш, уларнинг ваколат муддати белгилангани учун, уларнинг ҳам муддатдан олдин чақириб олинишлари ҳақида талаб бўлмоғи керак эди.

Ушбу бобда, бир жойда «Олий Мажлис йиғини» дейилса, иккинчи жойда «йиғилиши» деб қўлланилаверибди. Булардан бирини олмоқ керак. 86—87-моддалар мутлақо «Депутатлик мақоми ҳақида»ги Қонунга тегишли, нормалар бўлиб, Конституциядан ўрин олиши шарт эмас, деб ҳисоблайман.

Лойиҳанинг 89-моддаси 1-қисмида «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган фуқаро сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас», дейилади. Бу ерда икки масала эътиборни жалб қилади. Биринчиси, «бевосита сайловгача камида 10 йил муқим яшаш». Хўш, агар фуқаро сўнги 10 йил ичида 2—3 йил чет мамлакатлардан бирида Ўзбекистоннинг элчиси ёки вакили бўлиб яшаб турган бўлса-чи?

Иккинчиси, жумла сўнгидаги «...Президенти бўлиши мумкин эмас» сўзидир. «Президент бўлиш ёки бўлмаслик» деган тушунча мулоқотда ҳам, қонун тилида ҳам йўқ. Фақат «Президент этиб сайлаш ёки сайланиш» ҳақида сўз юритиш мумкин. Шу сабабли кўрсатилган жумлаларда, «Дипломатик алоқалар ва бошқа давлат хизмати билан чет элларда яшаш ва ишлаш мустасно» деганга ўхшаш жумла ҳамда «Президенти этиб сайланишига йўл қўйилмайди» деб ўзгартириш керак.

92-модданинг 8, 9, 17- ва бошқа бандларида Президент ўз Фармонларини «кейинчалик» Олий Мажлис тасдиғига киритишлиги белгиланган. Бу сўз номаълумлик, чексизликка ишорадир. Шу сабабли «навбатдаги Олий мажлис йиғини тасдиғига» деб ўзгартирилмоғи керак.

Шу ерда 15-банднинг «зудлик билан уч кундан кечиктирмай» сўзидаги «зудлик билан» жумласи ортиқча сифатида туширилиб қолдирилиши лозим.

96-модда «Конституциявий муҳлат тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий Суд аъзоси этиб тасдиқланади» дейилади. Бу яхши. Лекин «Экс—Президент»нинг розилиги, ҳоҳиши, соғлиғи эътиборга олинадими, йўқми, бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Хўш, агар ҳоҳиш билдирмаса-чи? Жавоб йўқ.

III-модданинг 3-қисмида «Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўла олмайдилар» дейилган. Аввало бу ерда ҳам «бўла олиш» ҳақида эмас, «сайланиш» ҳақида сўз юритиш керак. Колаверса, раисларнинг ўринбосарлари ҳам, ҳамма поғонадаги судъялар ҳам депутатликка сайланиши тўғри эмас. Уларнинг депутат сифатида сайловчилар олдида, қайсидир халқ депутатлари Кенгаши мажлиси олдида ҳисоб бериши, наказларни бажариш ва депутатлик сўрови билан турли ташкилот ва хўжалик идораларига алоқадор ва боғлиқ бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

115-модда таркибидан адвокатурага тегишли қисмини чиқариб ташлаш керак. Улар «Суд ҳокимияти» таркибига кирмайди.

«ПРОКУРАТУРА» деб номланган 14-бобнинг 116-моддаси «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан олий назоратни Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси амалга оширади» деб белгиланган. Эътибор қилинг! «Ҳудудида» сўзига ҳожат борми? Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг.... сўзидаги «нинг» қўшимчаси ортиқча эмасми? Олий назоратни фақат «республика прокуратураси», яъни Тошкентдаги марказий маҳкама эмас, балки жойлардаги прокурорлар ҳам амалга оширишда қатнашадилар. Шунинг учун бу олий ваколатни икки хил ёки «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга тобе прокурорлар» ёки «прокуратура органлари» амалга оширадилар, деб белгиланса маъқул бўлар эди.

117-моддада Ўзбекистон прокуратурасининг ягона, марказлашган тизими ҳақида сўз юритилиб, шу ернинг ўзидаёқ Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўша республика Олий вакиллик органи томонидан тайинланишлиги келтирилиб, «ягона марказлашганлик» принципи бузилган. Буни ўз ўрнига келтирмоқ лозим.

Шу ерда 3- ва 4-қисмлар, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг Бош прокурор томонидан тайинланиши ва уларнинг ваколат муддатлари белгилаб берилган. Айни пайтда, вилоят, туман, шаҳар прокурорларига тенглаштирилган ҳарбий, транспорт, табиатни муҳафаза қилиш, махсус ва ихтисослаштирилган прокурорлар мавжуд ҳолда, уларнинг тайинланиши ва ваколат муддатлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бу камчиликни бартараф этиш лозим.

**Файзулла ҚИЛИЧЕВ,**
**Республика Прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**

# ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Умумий мулоҳаза сифатида айтиш лозимки, лойиҳа тили илмийроқ бўлиб, баъзан мураккаб жумлалар ҳам учрайди. Конституция оддий ва барча учун тушунарли жумлалардан ташкил топса айни муддао бўлур эди.

24-моддада ҳаётга суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. дейилган. Ҳаёт ниҳоятда кенг тушунча. Шунинг учун бу жумлага аниқлик киритиб, «инсон ҳаётига» суиқасд қилиш, деб ёзилса маъқул бўларди. 61-моддада «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди» деган фикр бор. Бу модданинг охирига «улар тўғрисидаги маълум сир-асрорларни сақлайди» деган жумла киритилса,

Оммавий-ахборот воситалари бобининг 64-моддасига «оммавий ахборот воситалари мавзуларида миллийлик устивор бўлиши керак» деган гап қўшилса, бизнинг урф-одатга тўғри келмайдиган эшиттириш ва кўрсатувлар ўз-ўзидан камайиши мумкин. 90-модда таҳририни талаб қилади. Конституцияда давлат қарамоғида бўлган корхона ва ташкилот, олий ўқув юртлари раҳбарлари тўғрисида фикр юритилмаган. Барча соҳада ишлаётган кишиларни нафақага чиқариш жараёнлари, нафақадор фаолияти ҳақида ҳам Конституцияга аниқлик киритилмаган, нафақага чиқишнинг маълум бир чегараси бўлиши керак.

**Зиёдулла ДАВРОНОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Яккасарой райони Кенгаши биринчи котиби.**

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни) муқаддимасида «Конституция (Асосий қонун) муқаддасдир, унинг бирон моддасини камситиш эса жиноятдир», деб ёзиб қўйиш ўринли бўлур эди.

52-моддадаги «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар» деган жойга «Республиканинг маънавий бойликлари» деб ҳам қўшиб қўйиш лозим. 60-моддада «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир», деган жумлага «Оилани маъмуриятчилик йўли билан режалаштиришга уринишга йўл қўйилмайди», деб қўшиш маъқул. XII бобнинг номини «Жамиятнинг иқтисодий негизлари ва мулк муносабатлари» деб атаб, унда мулкий муносабатларни қайта қуриш, нарх-наволарни белгилаш, бозор иқтисодига ўтишдаги ишбилармонлик, ташаббускорлик ҳуқуқлари, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, истеъмол бозорини муносиблаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини яхшилаш ҳақида алоҳида қўшимча моддалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лойиҳада кишиларни маънавий жиҳатдан тақдирлаш, орден ва медаллар билан мукофотлаш ҳуқуқлари тўғрисида бирор нарса дейилмаган. Маълумки, Ўзбекистон ССР Ижроия қўмитасининг 1926 йил 7 июлдаги қарори билан Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени, таъсис этилган эди. Республикамиз фуқароларини мукофотлаш учун «Мустақил Ўзбекистоннинг меҳнат қаҳрамони» олий унвони таъсис этиш ҳуқуқи ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлар эди.

**Ортиқ ВАФОЕВ,**
**Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти фалсафа кафедрасининг мудири.**

## • ҲОКИМЛИК ҲИСОБ БЕРАДИ •

# ХАЛҚ БАҲОСИ — ХОЛИС БАҲО

**Косонсой шаҳар ҳокимлиги фаолият кўрсата бошлаганидан буён орадан ўн ой вақт ўтди. Бу давр ичида у қандай ишларни амалга оширди? Шаҳар халқ депутатлари ўз ҳамшаҳарлари номидан ишониб ваколат берган ҳоким омма ишончини оқлай олдими? У қандай ибратли ишларни амалга оширди-ю, қандай ишларни уддасидан чиқолмади? Ўтган шанба куни Косонсой шаҳар кенгашининг XII сессиясида мана шу саволларга жавоб ахтарилди.**

ЎТГАН давр мобайнида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берган шаҳар ҳокими Мунаввархон Зокиров ўз маърузасида таъкидлаганидек, ҳисобот даврида 2 сессия ва 3 маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Ҳокимлик ташкил қилингандан кейин шаҳардаги долзарб муаммолар ўрганилиб уларни ҳал қилиш юзасидан комиссиялар тузилди. Бу комиссиялар пухта режа асосида иш олиб бориб, йиғилишларида мавжуд муаммолар қандай бартараф этилаётганини муҳокама қилмоқда. Жумладан, уй-жой тақсимлаш ва ер участкалари бериш комиссияси фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, бу борада ўз ечимини кутаётган масалалар анчагина. Шаҳарда 182 киши квартира, 800 нафардан кўпроқ фуқаро эса ер участкаси олиш учун навбатда турибди. Ҳисобот даврида уларнинг маълум қисмини уй-жой ва ер участкаси билан таъминлашга эришилди. Лекин 1990-91 йилларда ер участкаси берилган 27 киши уни қаровсиз қолдиргани учун комиссия қарори билан улардан олиниб, муҳтож кишиларга берилди.

1992 йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳарда 236 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу йиллик режанинг 85, давлатга сотиш режасининг 79 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, шаҳар аҳолиси ва ташкилотларига транспорт хизмати кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Эҳтиёт қисмлар ва нефть маҳсулотлари етишмаслиги сабабли 4794 иш куни йўқотилди. Бундан кўрилган моддий зарар 10 миллион сўмни ташкил этди.

Шаҳар аҳолиси қиш ойларида газ етишмаслигидан ҳар йили азият чекарди. Бу муаммони ҳал этиш учун 20 километрдан шаҳарга қўшимча газ қувури тортиб келинмоқда. Шу пайтгача бу ишлар учун 30 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳам муаммолигича қолмоқда. Ҳисобот даврида «Обод» ва «Гулистон» маҳаллаларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги танг аҳволдан келиб чиқиб аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, айниқса аҳолини меъёрлашган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ шунга қарамай шаҳар аҳолиси шакар, чой, ўсимлик ёғи, кир совун билан етарли даражада таъминланмади. Шаҳар матлубот уюшмаси бу маҳсулотларни аҳолига белгиланганидан анча кам етказиб берганидан ташқари уларни оила варақаси асосида тақсимлашда савдо қоидаларининг бузилишига йўл қўйди. Буларнинг ҳаммаси халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Шаҳар матлубот уюшмаси раиси С. Турғунов бундан тегишли хулоса чиқариб олиши лозим.

Шаҳар умумий овқатланиш корхонаси жамоаси ўтган ўн ой ичида белгиланган режани 104 фоизга уддалади. Бу корхона 12 та мактаб ошхоналарига ва билим юртлари талабаларига имтиёзли хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу ошхоналар фаолияти ўрганилганда овқатлар нархини 30-40 фоизга арзонлаштириш имкони борлиги аниқланди ва ички имкониятлардан келиб чиқиб бу хайрли иш амалга оширилди.

Нон комбинати маҳсулотларига шаҳар аҳолисининг эътирозлари камаймаяпти. Ҳақиқатан ҳам нон маҳсулотларининг сифати ёмон, стандарт талабларига жавоб бермайди. Бу ҳам етмагандек унни беркитиб қўйиш ва четга чиқариб юбориш ҳоллари содир этилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида 9,1 тонна ун четга олиб чиқиб кетилаётганда ушланди. Бу масала ҳокимлик маслаҳат кенгашида кўриб чиқилиб, айбдорлар — нон комбинати директори К. Соҳибов ва умумий овқатланиш корхонаси директорининг ўринбосари А. Муродов эгаллаб турган вазифаларидан бўшатилди. Ҳозир бу факт устидан тергов органлари иш олиб бормоқдалар.

Ҳисобот даврида шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва белгиланган қонунлар асосида 3 та кооператив, 18 та кичик корхона ва 23 та шахсий дўкон рўйхатдан ўтказилди. Бу муассасалар фаолияти шаҳар солиқ инспекцияси, молия бўлими ва давлат назорати инспекцияси томонидан назорат қилиб борилмоқда. Ҳозиргача бундай корхона ва дўконлар томонидан аҳолига 9 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Шаҳарда капитал қурилиш, ободончилик кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича қатор ишлар қилинди. Ўтган 10 ой давомида 25,6 миллион сўмлик капитал қурилиш, 8 миллион сўмга яқин ремонт қурилиш ишлари амалга оширилди. 2-, 3-, 4-ўрта мактабларга қўшимча ўқув корпуси, «Гулистон» маҳалласида 200 тамошабинга мўлжалланган кинотеатр, «Обод» маҳалласида 48 квартирали турар-жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

Маълумки, шу бугунга келиб шаҳар бюджети учун 88 миллион сўм талаб қилинади. Шаҳар ўзи ишлаб топган маблағ эса бундай бюджетни қоплаш учун етарли эмас. Ҳозир шаҳар бюджети учун олинаётган дотация 40 фоизни ташкил қилади. Иқтисодий аҳвол оғирлашиб бораётган бир шароитда бундай аҳвол билан асло келишиб бўлмайди. Бунинг олдини олиш учун шаҳарда енгил саноат корхоналарини қуриш лозим. Бу борада дастлабки ишлар қилинмоқда. Айни пайтда шаҳарда 3 минг тонна толани қайта ишлайдиган ва 300 тонна қуруқ пилла ипини йигирувчи фабрикалар ҳамда 7 миллион дона терини қайта ишлайдиган цех қурилиши давом этмоқда. Шу иншоотлар 2-3 йилда ишга тушса 6 минг киши иш билан таъминланади. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда 250 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкони яратилади. Бу албатта шаҳар бюджетини қоплаш имконини беради.

Республикамиз Президенти Фармонидан келиб чиқиб шаҳар турар-жой коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси уруш қатнашчилари ва ногиронларига 10 та, халқ таълими ходимларига 88 та квартирани бепул хусусийлаштириб берди. Бу борадаги ишлар яна давом этмоқда.

Маърузачи ўз нутқида шаҳар ҳаёти, муаммоларига оид масалалар, уларни ечишда ҳокимият нечоғли фаолият кўрсатаётганини факт ва мисоллар асосида гапириб берди. Шаҳарда амалга оширилган барча хайрли ишларга президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ва ҳукуматимиз фармонларини амалга ошира бориб эришилгани алоҳида қайд қилинди. Маъруза тугаши биланоқ мунозаралар авж олиб кетди.

— Мен ёшлар муаммоси ҳақида тўхталмоқчиман, — деди ўз нутқида биринчи бўлиб музокарага чиққан шаҳар ёшлар уюшмаси биринчи котиби Б. Султонов. — Бундан олдинги сессияда айтилган ёшлар ҳаётига оид муаммолар маълум даражада ҳал бўлди деган гап эмас. Шаҳардаги 1-, 5-, 12-мактабларда ўқувчиларга шароит етарли эмас. Билим юртлари талабаларининг кўпчилиги мослаштирилган ётоқхоналарда туришибди. Шароити ёмон мактаблар ва ётоқхоналар қурилишини биринчи ўринга қўйиш лозим. Бундан ташқари ёшлар ўртасида жиноят қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш учун эса ишчи ўринлари етишмайди.

Ёшлар етакчисининг фикрида жон бор. Ҳақиқатдан ҳам шаҳарда йилдан-йилга ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. Бу ўринда биргина фактга эътибор берайлик. Ўтган йили 1800 нафар бола мактабни тамомлаган ҳолда, уларнинг бирортаси иш билан таъминланмади. Бундай ёшлар сони ҳар йили кўпайиб боряпти. Бугунга келиб барча ишсизлар сони шаҳарда 10 минг кишига етди. 38 минг аҳоли яшайдиган кичкина бир шаҳарга бу кўплик қилмайдими? Албатта, кўплик қилади. Шунинг учун ишсизлар сони кўпайиш билан бирга майда ўғирлик, жиноят содир этиш ҳоллари ҳам ўсиб боряпти. Шаҳарда 1991 йилда 182 та, 1992 йилда эса 206 жиноят содир этилгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Маърузада ва музокарада сўзга чиққан кишилар бу муаммоларни ҳал қилиш учун шаҳарда маҳаллий маҳсулотларни қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулот қилиб чиқарадиган корхоналар қурилишини тезлатиш лозимлигини таъкидладилар. Музокарада сўзга чиққан шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Х. Умаров кўпчилик эътиборини аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратди.

— Президентимиз фармонларини бажара бориб аҳолининг кам таъминланган ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор ишлар амалга оширилди, — деди у. — Оддий халқ манфаатини кўзлаб чиқарилаётган ҳар бир фармон ва ҳукумат қарори халқимиз кўксини тоғдай кўтармоқда. Шаҳримизда 106 нафар боқувчисиз ёлғиз кишилар бор. Уларга қараш учун ижтимоий таъминот бўлими томонидан 38 киши ажратилган. Улар ёлғиз кишиларга ўз ўғил, қизларидай хизмат қиляпти. Хисобот даврида пенсия ва нафақалар, бошқа ёрдамлар учун 28 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу маблағни топиб беришда район ва шаҳар ҳокимияти ёрдам берди. Булар яхши. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас.

Қиличини яланғочлаб қиш келяпти. Шаҳримиз нафақахўрлари, ногиронлари, уруш қатнашчилари кўмир ололмай қийналишяпти. 40 километр олисликдаги темир йўл станциясидан тўполонда навбат туриб кўмир олиб келиш кекса, ногиронлар у ёқда турсин, ҳатто унча-мунча соғлом одамнинг қўлидан келавермайди. Транспорт топиш ва унинг харажати кўмир нархидан ҳам ошиб кетади. Кўмирни шаҳримиздаги магазинларга олиб келиб, шу жойларда сотилса яхши бўларди.

Кўпчилик нафақахўрларни ўйлантираётган бу муаммо шу ернинг ўзидаёқ ижобий ҳал этилди. Район ва шаҳар матлубот уюшмалари раисларига кўмирни ҳар бир маҳалла дўконларига олиб келиб тарқатиш топширилди.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар таъкидлаганларидек, ҳисобот даврида халқ таълими муассасаларида ҳам олға силжишга эришилди. Мавжуд 12 та мактаб ва 10 та болалар боғчасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Республикамиз президенти фармонларидан сўнг ўқитувчилар ва халқ таълими ходимларига имтиёзлар яратилди. Турар жой бинолари бепул берилди. Бугунги кунда шаҳар халқ таълими учун бир ойда 6 миллион 400 минг сўм маблағ сарфланмоқда.

Маълумки шаҳардаги 12 та мактабнинг 8 тасида таълим ва тарбия тожик тилида олиб борилади. Дарслик ва методик қўлланмалар Тожикистон республикасидан олиб келинади. Кейинги йилларда Тожикистондаги нохуш воқеалар туфайли шаҳар мактабларининг дарсликларга бўлган талаби бор-йўғи 34 фоизга қондирилди холос. Бунинг устига шу пайтгача Тожикистондан олинган тарих, география дарсликларида ўша республика тарихи, географияси ўрганиб келинди. Ўзбекистонимиз тарихи, географиясини ўқувчилар яхши билмагани учун ҳам олий ўқув юртларига киришда қийналишмоқда.

Сессия қатнашчилари бу долзарб муаммони кечиктирмай ҳал қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар. Мана шу масалани ижобий ҳал қилиб беришни сессияда иштирок этаётган республика Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековдан илтимос қилдилар.

Шаҳар ҳудудида ҳунар-техника билим юрти, ўқитувчилар тайёрлаш ҳамда тиббиёт билим юртлари ва қурилиш техникуми мавжуд. Ҳозир уларда 2300 нафардан ортиқ талабаларга турли соҳалар бўйича касб сирлари ўргатилмоқда. Кейинги йиллардаги иқтисодий танглик бу билим даргоҳларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Уларнинг моддий таъминоти, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан таъминлашдаги муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда.

— Бундай муаммолар нафақат билим юртлари ёки мактаблар, балки мактабгача тарбия муассасаларида ҳам мавжуд, — дейди «Хуршид» болалар боғчаси мудираси М. Ахмедова. — Биз боғчамизда анчадан буён қаттиқ ва юмшоқ инвентарларга муҳтожлик сезамиз. Аммо бу масалани ҳал қилиш имкони бўлмаяпти. Шу боис боғчаларга давлат бюджетидан пул ажратиб бу жиҳозларни савдодан сотиб олиш имкони яратилса айни муддао бўларди.

Яна бир муаммо: шаҳримиздаги барча мактаб ва мактабгача тарбия муаассасаларига оталиқ ташкилотлари биркитилган. Кўплаб ташкилот, корхоналар ўз оталиқ ёрдамларини аямаяптилар. Аммо бизнинг боғчани оталиққа олган бош пиллахона икки йилдан бери ҳолимиздан хабар олмайди. Зеро, болалардан меҳримизни дариғ тутмаслигимиз лозим.

— Мен «Наврўз» маҳалла комитетининг раисиман, — дея музокарани давом эттирди Н. Шералиев. — Сессияга келишимдан олдин бир группа маҳалламиз вакиллари олдимга келиб сўзга албатта чиқишимни ва унда президентимиз олиб бораётган сиёсати ва халқ манфаати йўлида қилаётган ишлари учун Ислом Абдуғаниевич Каримовга миннатдорчиликларини етказишни топширишди. «Биз президентимиз билан биргамиз, Оллоҳ у кишини қўллаб қувватласин» дейишди улар.

Ҳисобот даврида шаҳарда ижтимоий, сиёсий ва диний вазият барқарорлашди. Шаҳар аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликлар олдини олиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда 490 ўринли марказий шифохона, 380 кишини қабул қилувчи катталар поликлиникаси, 150 ўринли болалар поликлиникаси ҳамда тиш даволаш поликлиникалари ишлаб турибди. Шу йил шаҳар марказий поликлиникасида клиника диагностика бўлими очилди. Тиббий хизмат сифати ва савиясини ошириш мақсадида бу соҳага ҳисобот даврида 20 миллион сўм ажратилди. Бу шаҳар аҳолисининг жон бошига 400 сўмданга тўғри келади.

Бироқ бу соҳада ҳам камчиликлар йўқ эмас. Тиббий хизмат кўрсатиш савияси пастлигича қолмоқда, доридармонлар етишмайди. Буларнинг ҳаммаси аҳолига малакали медицина хизмати кўрсатишга салбий таъсир этмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин шаҳарда бу борада ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Бироқ бу соҳада қилинадиган ишлар кўп. Айниқса давлат тилини амалга оширишда ташкилот, корхона, хўжалик раҳбарлари эътибор беришлари керак. Амалда эса айрим ташкилот ва ўқув юртларида раҳбарлар давлат тили тўғрисидаги Қонунни бажаришда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Барчага маълумки ҳамма ишнинг ўзагини кадрлар ҳал қилади. Ҳокимлик ташкил этилгандан буён кадрлар ни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилди. Ҳокимлик аппаратида ҳам 70 фоиз кадрлар ишчан, обрў-эътиборли кишилар билан алмаштирилди.

— Шаҳар ҳокимлиги ташкил бўлгандан буён кадрлар мустаҳкамланиб, халқ билан анча яқинлашди. Уларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди, — дейди «Косонсой» давлат хўжалиги директори М. Тўрахўжаев. — Жумладан хўжалигимиз худудида 174 нафар нафақахўр ва ногиронлар бор. Президент фармонларидан келиб чиқиб биз уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаяпмиз. Бу йил хўжалигимиз барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини бажарди. Бу йил биз 60 миллион сўм даромад қиламиз. Ҳозир хўжалигимизда консерва заводи ишга тушиш арафасида. Агар у ишга тушса, ўз маҳсулотларимизни қайта ишлаб, йилига 60 миллион эмас балки 400 миллион сўм даромад қиламиз. Муҳими аҳолининг бўш қисми иш билан таъминланади.

Шаҳарда мана шундай корхоналарнинг йўқлиги туфайли социал муаммолар тўпланиб қолмоқда. Фақат хом ашё, нари борса, ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқилаётгани иқтисодий тангликдан чиқиш имконини бермаяпти. Бу ҳақда шойи тўқиш фабрикаси касаба уюшмаси раиси С. Абдуҳамидова ҳарактерли мисол келтириб шундай деди:

— Фабрикамизда битта момиқ сочиқ 3 сўмга тайёр бўлади. Аммо уни бўяш имконимиз йўқлиги туфайли Бухорога олиб борамиз. Техника, йўл харажати билан 3 сўмлик сочиқ 100 сўмга тушади. Қани энди бўяшни ҳам ўзимизда амалга оширсак халқимизга арзон маҳсулот сотардик.

Музокарада сўзга чиққан «Олмазор» санаторийси бош ҳакими М. Сайфуллаев ва бошқа нотиқлар ҳам ўзларини ўйлантираётган муаммолар хусусида ошкора фикр юритдилар. Энг муҳими, сессия ишчан руҳда ўтди. Қолаверса, музокарада сўз олган ўнга яқин одамнинг бирортаси ўз шахсий манфаатини эмас, балки кўпчилик, яъни шаҳар халқи манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб гапирди. Уларнинг ҳаммаси республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов олиб бораётган сиёсатни тўла маъқуллашларини изҳор этдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди ва нутқ сўзлади.

**А. МАДАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## • Акс-садо

# «АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ СИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ!»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ». 1992 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ.

**Эсингизда бўлса, «Ўзбекистон овози» рўзномасида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилганди. Унда Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси ҳамкорликда Асака трактор прицеплари заводини кичик ҳажмдаги енгил автомобиллар, кичик юк машиналари ва мўъжаз автобуслар ишлаб чиқарадиган қўшма корхонага айлантириш ҳақида шартнома имзоланган ҳикоя қилинган эди.**

Орадан уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, шартноманинг тақдири нима бўлди? Завод директори Камолиддин Соҳибжоновнинг айтишича, корхонада ишлаётган муҳандис-техник ходимлар дастлабки тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Тажрибали мутахассислардан иборат иккита ўқув гуруҳи ташкил этилди. Улар инглиз тилини ўрганишга киришдилар. Тайёргарлик тўгаракларда олиб бориляпти. Яқинда бу мутахассислар Жанубий Кореяга бориб, «ДЭУ» корпорациясида малака ошириб қайтадилар.

Куни кеча «ДЭУ» корпорациясининг бош директори Ли-Хи-Ин бошлиқ 36 мутахассис Андижонга келиб, Асакада туғилаётган қўшма корхонанинг лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун қўшимча маълумотлар тўплашга киришди. Улар мавжуд корхоналарни кенгайтириш учун ажратилган 35 минг квадрат метр жойни кўриб хурсанд бўлишди. Қурилишда қатнашадиган ёрдамчи ташкилотларнинг иш бажариш қобилиятидан кўнгиллари тўлди.

— Кореялик меҳмонлар тўпланган маълумотларни Тошкент оғир саноат корхоналарини лойиҳалаш олийгоҳида ишлаб чиқадиган ва лойиҳа тайёрлатадиган бўлдилар, — дейди Андижон вилояти ҳокимининг муовини Ҳамидулла Халилов. — Янги йилдан заводда асосий ишлар бошланади. Имзоланган охирги битимга мувофиқ, келгуси йилнинг иккинчи чорагида бу ерда ишлаш учун Кореядан 2 минг мутахассис келади. Ҳозир биз уларга турар-жой ҳозирлаш тараддудидамиз...

Дарвоқе, муштарийларимиз Асакада чиқадиган биринчи автомобилга қандай ном қўйиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришни давом эттирмоқдалар. Улар билдирган дастлабки истаклар «Ўзбекистон овози»нинг 25 август, 17 сентябрь, 6 ва 29 октябрь сонларида эълон қилинганди.

— Мен кўп хорижий мамлакатларда бўлганман, — дейди нуфузли ташкилот ходими Қаҳрамон Раҳмонов, — Чет элларда автомобилларга қисқа, аниқ, жаранглар номлар қўйишади. Менимча, биз ҳам инглиз тилида текис, ҳарфлар билан ёзиладиган, бошқа шарқ тилларида ноўрин маъно билдирмайдиган, ўзбек тилига хос автомобилга мос, содда, чиройли, хотирада осон сақланиб қоладиган ном қўйганимиз маъқул.

Шу боис қуйидаги номларни таклиф қиламан: «Жайрон», «Сумбула», «Шалола», «Камол», «Хумоюн», «Жаҳон», «Таманно», «Тановар», «Олмос», «Қоплон», «Камон», «Мароқ», «Тулпор», «Бўталоқ», «Кенжатой» ва ҳоказо...

Бу номлар ўзбек ва инглиз тилларида жуда чиройли жаранглайди. Энг муҳими, халқаро талабларга мос келади.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ИККИ ТОМОНЛАМА ДАРОМАД

**● Дўстлик районида «Навбаҳор» деган хўжалик бор. Асосан кўчат етиштиради. Аммо пахта ҳам экади. Икки хил экиндан ҳосил олиш хўжалик иқтисодига барака киритяпти.**

Мирзачўлни бўстонга айлантириш ниятида 23 йилдан буён кўчат экилади. Етиштирилган кўчатлар бисёр. Саноғидан ўзлари ҳам адашишади. Баъзан Мирзачўлда ҳанузгача бирор номи чиққан бўстон йўқлигини эслаб ҳафсалалари пир ҳам бўлади. Аммо бу — уларнинг айби эмас. Улар ўз юмуши — кўчат экишни билишади. Тирикчиликлари шундан.

Бу йил 2,5 миллион дона кўчат кўкартиришди. Йиғиштириб бўлгач баҳорда бўшаган жойга чигит қадашди. Кўчат режаси тўлди. Пахта парваришига ҳам куч беришди. 80 гектарлик майдондан 25 центнердан хирмон кўтарилди.

90 фоиз пахта машинада териб олинди. Мажбурият бажарилди.

Энди хўжалик аъзолари кузги ишларга зўр беришяпти. Демак, яна мевали-манзарали дарахт ниҳоллари экилади. Баҳорда эса ўрнига чигит қадалади.

**Т. СОЙНАЗАРОВ,**
**Жиззах вилояти.**

СУРАТДА: Шароф Рашидов пахтакор олимлар даврасида.

## Шарофнома

# ҒАМХЎРЛИК ТИМСОЛИ ЭДИ

**● МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:**

**1931 йил 5 декабрда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ ноҳиясининг Бурчмулла қишлоғида туғилди. 1968 йилдан 1975 йилгача Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори, 1975 йилдан ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлимининг академик — котиби, 1979 йилдан Бутуниттифоқ пахтачилик институтининг, 1983-1987 йилгача «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлиб ишлади. 1989 йили «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори этиб сайланди. 1990 йилдан ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлимининг раиси, 1991 йилдан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг Президентидир.**

Шароф Рашидов ҳайратда қоларли даражада ҳар бир шахсга баҳо бера оладиган инсон эди. У дадиллик билан ёш, истеъдодли мутахассисларни юқори лавозимларга кўтарарди. Ўзининг ажойиб жозибаси билан у одамларни қаҳрамонона меҳнат қилишга руҳлантира олар, халқнинг муҳаббатига, олқишига сазовор бўлар эди. У ўткир зеҳн ва кучли хотирага эга бўлиб, ким билан суҳбатлашмасин, раҳбар ёки оддий ишчи бўлишидан қатъий назар, ёдида сақлаб қоларди.

Шароф Рашидов вафотидан сўнг қисқа-қисқа муддатга унинг ўрнида И. Усмонхўжаев, Р. Нишоновлар ишлашди. Улар ўзларининг паст савиялари туфайли республика иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатига жуда катта зарар етказдилар. Йиллар давомида тарбияланган юқори малакали мутахассислар қувғинга учради, партия сафларидан ўчирилди, лавозимидан четлаштирилди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳибсга олинганларнинг кўпчилиги бу ёруғ кунларга ета олмадилар.

Шароф Рашидов ҳаётлигида унга таъзим қилиб юрган «ҳақиқатпарастлар» унинг вафотидан сўнг шу куннинг «қаҳрамонлари» бўлиб қолишди. Уларнинг Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлиб тайинланиши марказнинг катта хатоси эди. Ҳар иккиси ҳам республика иқтисодиётини билмайдиган, республика раҳбарлигига ноқобил кимсалар бўлиб чиқди. Улар фаолияти даврида саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг зарар кўриши асосий сабаби ҳам ана шунда эди. Республика кадрлар сиёсатига тузатиб бўлмайдиган даражада зарба берилди, чунки юқори малакали кадрлар шаклланиши учун яна бир неча йиллар керак бўлади.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши билан аввал йўл қўйилган хатолар бартараф этилди. Авваламбор, кадрлар сиёсатига катта эътибор қаратилди. Ҳозирги даврда республика органларидаги турли юқори лавозимларда малакали мутахассислар ишламоқдалар. И. Усмонхўжаев ва Р. Нишоновлар томонидан ноҳақ вазифаларидан четлаштирилган етакчи мутахассислар ўзларининг меҳнат фаолиятига қайтарилдилар.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ҳақли равишда Шароф Рашидов номини тиклаш ҳақидаги масала кўтарилди. Турли муассаса, район, жамоа ва давлат хўжаликларига Шароф Рашидов номи берилди ва унинг ҳайкали ўрнатилди. И. А. Каримовнинг Ш. Р. Рашидов хотирасига нисбатан кўрсатган бундай олийжаноблиги тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олиши муқаррар!

Шароф Рашидов билан 1959 йилда танишганман. Ўша йилларда ғўзанинг вилт касаллиги кенг тарқалган бўлиб, пахта ҳосилдорлигига анчагина салбий таъсир кўрсатарди. Шароф Рашидов ташаббуси билан пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори чиқди. Ўсимликлар эксперименталь биологияси институтига зарур маблағ ва моддий техника ресурслари ажратилди. ЎзФА мухбир аъзоси С. Содиқов томонидан ишлаб чиқилган илмий йўналишлар асосида вилт бўлими ташкил қилинди. У киши ўзининг шогирди, кейинчалик ВАСХНИЛ академиги бўлган С. Мираҳмедов билан биргаликда ғўзанинг «Тошкент» навларини яратишди. Бу навлар серҳосиллиги ва вилтга чидамлилиги билан фарқланади. Пахтачилик муаммоси бўйича илмий-тадқиқот натижалари бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси мажлисида кўриб чиқилди, кўпларида иштирок этганман.

Мен қишлоқ хўжалик соҳасининг олими сифатида кўп маротаба Шароф Рашидов билан республика вилоятларига борардим. Бир куни Наманган вилоятига боришга таклиф қилдилар. Қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши, пахтачиликнинг аҳволи билан қизиқдик. Ҳар сафаргидек иш якунларини вилоят фаоллари йиғилишида муҳокама қилдик. Йиғилишдан бир кун олдин Шароф Рашидов колхоз тузумида фаол қатнашган қарияларнинг исм-шарифларини бирма-бир айтиб, уларнинг турмуш шароитлари билан қизиқ қанларида инсоний фазилатларига қойил қолдим. Вилоят раҳбаридан Улуғ Ватан уруши ветеранлари, колхоз тузумида фаол қатнашган инсонларнинг турмуши билан ҳеч қизиқ-канмисиз, деб сўраганларида у киши жавоб беришга анча қийналдилар. Шароф Рашидов уруш ва меҳнат ветеранларини ана шу фаоллар йиғилишида иштирок этишларини ҳамда вилоят йиғилиши раёсатига таклиф қилиш зарурлигини кўрсатдилар. Ўша йиғилишда биринчи бўлиб мен маъруза қилгандим. Шароф Рашидов сўзга чиқиб, домланинг маърузасидан сўнг мен ҳеч нарса қўша олмайман, деб ҳазил қилдилар. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ишларини ижобий ҳал этиш юзасидан ғоятда бебаҳо маслаҳатлар бердиларки, бу соҳанинг зукко билимдони эканликларига тан бердим.

Шароф Рашидов ишлаган йиллари вилоятнинг ҳар бир раҳбари ўзининг эртанги кунига ишонарди. Улар Шароф Рашидовичнинг фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирибгина қолмай, балки ҳар хил кўнгилсиз воқеалардан ҳимоя қилишига ҳам ишонар эдилар.

Қачон Шароф Рашидов қабулига борсам, у киши рад этмасдан қабул қилардилар, аримин диққат билан тинглааб, ёрдам берардилар. У кишининг бундай ишонч ва эътибори мени доимо руҳлантирар, топшириқларини зўр мамнуният билан бажарардим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга худди шундай эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовда кўрдим. Қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Айниқса, 1991 йил июнь ойидаги ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими негизида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармонни эслаш кифоя. Янги раҳбариятнинг доимий ёрдами ва эътибори туфайли қайта ташкил этилган академия муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

БИЗ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси олимлари мустақил республикамиз қишлоқ хўжалигини жадаллик билан ривожлантириш концепциясини ишламоқдамиз. Аввало генетика, селекция, уруғчилик, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорликни ошириш, ҳар бир экин агротехникасини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигини тўла механизациялаш ва автоматлаштириш, касаллик ва зараркунандалардан сақлаш масалаларини қамраб олдик. Албатта, бу кичик мақолада қилинаётган ҳамма ишларни айтиб ўтиш қийин.

Ўзбекистон олимлари ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборида эканлиги бизга куч бағишламоқда. Юқори малакали кадрлар, ёш фан номзодлари ва докторларини тайёрлашга эътиборни қаратяпмиз. Назарий фундаментал ва қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида дунёдаги барча мамлакат олимлари билан биргаликда йирик тадқиқотлар ўтказиш учун улар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишга бизда катта имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида эришилган ютуқлар Шароф Рашидовнинг кўп йиллик самарали фаолияти билан узвий боғлиқдир. У кишининг хизматларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Йиллар, асрлар ўтаф, лекин у кишининг номи Ўзбекистон тарихи саҳифаларида ўчмас бўлиб қолажак.

Ёзувчи, йирик давлат арбоби ва буюк байналминалчи Шароф Рашидов собиқ СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган эди. Кейинги йилларда миллатлар орасида нохуш воқеалар содир бўлаётган бир пайтда у кишининг чуқур байналминал ғояларини ташвиқ қилиш бугунги кун учун ғоятда зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва ҳукуматнинг саъй-ҳаракати туфайли республикамизда халқларнинг тинч ва осойишта яшашлари учун қулай шароит яратилган. Тинчликпарвар сиёсат бундан буён ҳам ўзининг ижобий маҳсулини беришига қатъий ишонамиз.

**А. ИМОМАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг президенти, академик.**

## ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

### ЯНГИ НОМЛАР

**● Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Шаҳрисабз райони меҳнаткашлари истагини қондирди.**

Ҳоким қарори билан райондаги энг йирик Энгельс номли колхозга буюк саркарда Амир Темур номи берилди. Шунингдек, Ленин номли жамоа хўжалиги колхознинг собиқ раиси Ғани Вобоёров, Ленин номли асаларичилик давлат хўжалиги Абдунаби Ҳасанов, «Социализм» жамоа хўжалиги Улуғбек номи билан аталди. Тельман номли мактабга «Янги ҳаёт», «Искра» мактабига эса Чўлпон номи берилди.

### ҲАМКОРЛИК

**● Қамаши райони марказида Туркия билан ҳамкорликда йирик ғишт заводи барпо этилмоқда. Ў йилига 64 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга.**

Мазкур қўшма корхона жиҳозлари қардош мамлакатдан олиб келинади. Қурилиш-монтаж ишларини маблағ билан таъминлашга Қашқадарё вилояти давлат таъминоти идораси ҳомийлик қилмоқда.

**Мусо КАРОМОВ.**

### УЧҚУДУҚ ОЙНАИ ЖАҲОНИ

**◆ Навоий вилоятидаги энг олис Учқудуқ шаҳрида маҳаллий телевидение кўрсатувлари йўлга қўйилди.**

Бундай хайрли ишга шаҳардаги «Тектон» кичик корхонаси бош бўлди. Район ҳокимлиги, шимолий кон бошқармаси эса телестудияга муассислик қилмоқда. Ҳозирча кўрсатувлар дастури асосан рус тилида олиб бориляпти. Яқин орада маҳаллий телевидение эшиттиришлари ўзбек ва қозоқ тилларида ҳам олиб борилади. Қани энди қорақўлчилар диёри Томдида ҳам ана шундай ойнаи жаҳон кўрсатувлари йўлга қўйилса?

### «ЗАРМИТАН» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

**◆ Қизилтепа районидаги «Зармитан» жамоа хўжалиги марказий қўрғони йил сайин чирой очмоқда.**

Жорий йилнинг ўзидаёқ хўжаликда янги деҳқон бозори, бир йўла эллик кишини қабул қиладиган ошхона қуриб, ишга туширилди. Яқинда эса бу ерда финлар ҳаммомидан асло қолишмайдиган замонавий ҳаммом ҳам ишга туширилди. Натижада фуқаролар ҳаммом машмашасидан қутилишди. Қувончлиси, бу ҳаммомнинг табиий газ билан иситилаётганидир. Биргина ҳаммом эмас, ҳозир хўжаликда юзлаб хонадонлар тўла газлаштирилган. Бу қурилишларнинг деярли ҳаммаси ҳашар йўли билан хўжаликнинг ўз маблағи ҳисобига бунёд этилмоқда.

**Музаффар ШАРОПОВ.**

## Убайдулла Тўрақулович ТЎРАҚУЛОВ

Бошимизга оғир мусибат тушди. Истеъдодли раҳбар, камтарин ва меҳрибон дўст, ажойиб инсон, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Убайдулла Тўрақулович Тўрақулов оғир касалликдан сўнг 65 ёшда вафот этди.

Убайдулла Тўрақулов 1927 йил 15 майда Жиззах туманидаги Х. Носиров номли жамоа хўжалигининг Совунгарлик маҳалласида дунёга келди. Нариманов номли (ҳозирги Ш. Рашидов номли) ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллаган У. Тўрақулов 1950 йили Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирди. Шу йилдан бошлаб мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, кейинчалик илмий бўлим мудири вазифасида ишлади. 1952 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасига кирди. 1954—1962 йилларда Ленин номли ҳамда Нариманов номли мактабларда меҳнат килди.

У 1963 йили Жиззах тумани халқ таълими бўлимини бошқарди. 1965 йили район партия қўмитасининг котиби этиб сайланди. Убайдулла Тўрақуловга катта ишонч билдирилди. У 1970 йилдан 1973 йилгача Жиззах шаҳар ижроқўмининг раиси сифатида катта ишларни амалга оширди. 1974 йилда эса У. Тўрақулов шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. У. Тўрақулов туман, шаҳар, вилоят Кенгашларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати этиб сайланди. У Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда икки марта Ҳурмат Белгиси орденлари нишондори эди.

Убайдулла Тўрақулов Жиззах элининг ҳақиқий фарзанди эди. Қимматли маслаҳатлари, таклифлари билан ажралиб турарди. У ёш авлодни тарбиялашга жуда катта ҳисса қўшди.

Камтарин ва меҳрибон мураббий, саховатли ва нодир қалб эгаси Убайдулла Тўрақуловнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

**БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.**

## • Уйдирмами ёки ҳақиқат •

**1955 йил 18 апрель тунги соат бирларда шотомир ёрилиб кетди ва машҳур нисбийлик назарияси муаллифининг юраги уришдан тўхтади. Марҳумнинг жасади шов-шувсиз, фақат энг яқинлари иштирокида Нью-Джерси штатидаги Трентона шаҳри яқинида кремация қилинди. Марҳумнинг васиятига кўра Эйнштейнни дафн қилиш усули ҳаммадан сир сақланди. Бироқ марҳум билан бирга унинг қандайдир номаълум илмий ишлари кули ҳам қўшиб кўмилгани ҳақида афсоналар бор. Уларни Эйнштейн инсониятга фақат фалокат келтиради деган мақсадда ўлими олдидан ёқиб юборган.**

У ҚАНДАЙ ИШ ЭДИ? Афсуски бу саволга жавобни буюк физик ўзи билан бирга абадий олиб кетди. Энди бу сирларни очиш учун ишониш қийин бўлган таҳминлар, фараздлар, шоҳидларнинг эсдаликларига мурожаат этишга тўғри келади. Уларнинг нечоғлиқ тўғрилиги ёлғиз яратганнинг ўзигагина аён. Лекин бошқа иложи йўқ-да.

Маълумки, Альберт Эйнштейн ядро қуролининг яратилишига қарши фаол курашган, ўзи эса, айниқса, ҳаётининг сўнгги йилларида ягона майдон назариясини яратиш устида қаттиқ ишлаган эди. Унинг моҳияти шундан иборатки, биргина ягона тенглама ёрдамида уч асосий куч: электромагнетизм, жисмларнинг ўзаро тортишуви, ядро энергиясининг ўзаро таъсири изоҳлаб берилади. Эҳтимол, мана шу соҳадаги кутилмаган кашфиёт Эйнштейнни ўзи очган янгиликни йўқ қилиб ташлашга ундаган. Ғап шундаки, Америка ҳарбий маҳкамаси буюк олимнинг назарий асосларини қўллаган ҳолда тажрибалар ўтказган, натижаси эса мислсиз фожиа билан тугаганди.

Дастлаб бирон-бир кутилмаган янгилик яратиш вазифа қилиб қўйилмаганди. Уруш давом этар. ҳарбий мутахассислар кема ва самолётларни душман локаторларига мумкин қадар сезилмайдиган қилишга интилишарди. Ана шунда ғоя туғилди: ёруғлик нурини синдириб объектни одамларга ҳам, асбоблавга ҳам кўринмайдиган киладиган кучли электромагнит майдони вужудга келтирилса-чи? Эйнштейн бу соҳада энг зўр назариётчи эди. Шу боисдан бу вазифа унга юкланди.

Мавжуд тахминларга кўра «кўринмаслик» генераторлари «Элдридж» эсминецига ўрнатилган. Тажриба 1943 йил Филадельфияда ўтказилди. Унинг натижаси ҳайратланарли даражада ғаройиб бўлди. Кема кузатувчилар кўз ўнги ва радарлар экранидан ғойиб бўлибгина қолмади, балки бутунлай бошқа ўлчовга (оламга) ўтиб кетди, фақат анча вақтдан сўнггина экипаж аъзолари ақлдан озган ҳодда аслига қайтди. Кеманинг кўздан ғойиб бўлиши қизиқ, албатта. Лекин муҳими бу эмас, тажрибадан сўнг эсминец экипажи сирли касалликка йўлиқди. Одамларда ғайритабиий ҳодисалар юз бераберди: бири бамисоли «қотиб қолгандай» ҳақиқий вақт юришидан ортда қолса, бошқаси умуман эриб ҳавога қўшилиб кетди...

Бу сирли воқеалар оғиздан оғизга ўтиб, мисли кўрилмаган миш-мишларни юзага келтирди. Ғарчи АҚШ Ҳарбий Денгиз Кучлари ўтказилган тажриба тезарагидаги барча миш-мишларни рад этган бўлсада, кўпгина америкалик тадқиқотчилар расмий хулосани сохта деб ҳисобламоқдалар.

ТАДҚИҚОТЧИЛАР масалани синчиклаб ўргана бошладилар. Эйнштейннинг 1943—1944 йилларда Вашингтондаги денгиз вазирлиги хизматида бўлганини тасдиқловчи ҳужжат топилди. Гувоҳларни топиб гаплашишга муваффақ бўлинди — уларнинг бири «Элдридж»нинг қандай ғойиб бўлганини кўрган, иккинчиси Эйнштейннинг ўзига хос дастхати билан ёзилган ҳисоб-китоблар битилган қоғозларни ушлаб турган. Ҳатто ўша кезларда кемадан тушаётган матросларнинг шоҳидлар кўз олдида эриб ҳавога сингиб кетганини ёзган газеталарнинг кирқимлари ҳам топилди...

Афсуски, буларнинг барини рад этиш мумкин, чунки энг муҳими — ҳужжатлар сақланмаган. «Элдридж»нинг кема журнали кўп нарсага ойдинлик киритиши мумкин эди, бироқ у сирли тарзда йўқолган. Тадқиқотчилар қаерга мурожаат этишмасин, барча сўровларга «...ҳужжатларни топиш, бинобарин, сизнинг ихтиёрингизга юборишнинг иложи йўқ», қабилида жавоб олишди.

Ҳолбуки, кузатувчи кема «Фьюресет»нинг кундалик журнали, ғарчи барча қоидаларга зид бўлса-да юқорининг буйруғига биноан йўқ қилинган. «Элдридж» қаёққа ва қандай ғойиб бўлганини эҳтимол буюк физикнинг қўлёзмалари тушунтириб берарди, аммо Эйнштейн буни истамаган...

Ҳамма нарсага шубҳа билан қаровчилар: «қўйсангизчи, кема ўзга ўлчовларга қандай ўтсинки, ўша ўзга ўлчовнинг ўзи бўлмаса», дейиши мумкин. Қанийди ҳаммаси шундай жўн бўла қолса... Бугунги кунда тортишув ҳаддан ташқари сусайган туташ қийшайган маконда «Шваршильд» муҳити» ёки «қора туйнук» юзага келиши ҳақидаги далиллар олимларга исбот талаб этмайдиган қоидадай маълум. Бунинг ортида эса бутун бир бошқа дунё бўлиши мумкин. Академик Андрей Дмитриевич Сахаров ҳам Эйнштейн сингари жуда кўп вақтини космологияга бағишлаганини ҳамма ҳам биларермайди. Унинг 1969 йилда жуда оз нусхада чоп этилган «Кўп қаватли Коинот модели» рисоласи, қийшайган фазо хусусиятларига бағишланган бошқа мақолалари оммавий ўқувчилар учун деярли ёпиқ. Ваҳоланки, бу илмий тадқиқотларда Андрей Сахаров биз кўриб турган коинотдан ташқари кўплаб бошқа коинотлар борлигини тан олган, уларнинг кўпчилиги бутунлай бошқа ўлчовларга эгадир... Бир қатор олимлар мувозий (параллел) дунёлар фаразини илгари сурадиларки, бунда бир коинотдан бошқасига ўтиш учун дунёнинг бир четига учиш шарт эмас, балки кучли электр таъсирида фазо бўшлиғида «туйнук» очилса кифоя.

«Феномен» экспертлар комиссияси қудратли электромагнит майдони фазовий бўшлиқни қийшайтириши мумкинлигига лоақал билвосита далиллар асосида ишонч ҳосил қилиш учун энг майда-чуйда маълумотларни ҳам тўплади. Катта энергия ажралиб чиқиши мумкин бўлган барча физикавий ҳолатлар, жумладан ядро зарядларининг портлаши ғоят синчиклаб кузатилди. Маълумки, бундай портлашлар чоғида электромагнит тўлқинларининг кескин чайқалиб кўтарилиши юз беради. Ва. ниҳоят, ғаройиб гувоҳ топилди, атом бомбаси унинг, деярли, оёқлари остида портлаган.

Сергей Андреевич Алексеенко Семипалатинск полигонида ҳарбий қурувчи бўлиб ишлаган. Унинг вазифаси ядро зарядларини синаш чоғида ишдан чиққан муҳандислик иншоотларини тиклашдан иборат эди. 1973 йили у генерал К. Веретелев (Мудофаа вазирлигининг қурувчилик қўшинлари) раҳбарлигида хизмат қилган. У генерал ва яна бир жангчи ҳамроҳлигида уч километр чуқурликка ядро заряди қўйилган қудуқнинг оғзини кўздан кечиришлари, кейин эса махсус бункерда портлашни кузатишлари лозим эди. Бироқ нимадир ишламай қолди ва кузатувчилар қудуқнинг нақ оғзига келишганда портлаш юз берди.

«...Оёқларим қандайдир таянчсиз бўшлиқда осилиб қолгандай бўлди, — деб эслайди С. Алексеенко. — Нимадир мени юқорига кўтарди. Мендан олдинда бораётган Константин Михайлович (генерал Веретелев-ред.) ва Иванов бирданига пастда қолиб кетишди. Улар қандайдир кичрайган тарзда кўринарди. Мен қуйида замин борлигини сезмай қолдим, чамаси бутун ер шари ғойиб бўлганди... Сўнгра қаерландир пастдан оғирдан оғир хўрсиниш эшитилди. Шундан сўнг чуқур жарлик тубида ҳушимга келдим — Иванов умуман кўринмас, Константин Михайлович эса жар ёқасида эди. Мен уни улкан лупа орқали бир неча баравар катталашган ҳолатда кўргандай бўлдим. Кейин тўлқин урилди, биз ҳаммамиз яна текис, ҳалимдай титраётган юзада турардик... Сўнгра ўзга дунё эшиги қаттиқ ёпилгандай бўлди, титроқлар тинди ва замин қаттиқлиги яна ўз жойига қайтиб, оғирлик кучини ҳис эта бошладим...».

«ЎЗГА ДУНЁ ЭШИГИ» иборасига эътибор бермай қўяқолайлик, яъни уни ғайритабиий вазиятга учраган одамнинг ҳаяжонли ҳолатига йўяйлик. Аммо унинг оптик таъсирлар ҳақидаги тавсифлари кишини ўйлатади. Бу ҳолатлар фақат ёруғлик нури қийшиқ ҳаракатланган тақдирда рўй беради. Яна битта далил: Алексеенко Семипалатинск полигони ишчиларида вақти-вақти билан учраб турадиган ғалати касалликни эслайди. Улар бу дардни ўзаро «сочилиш» ёки доктор Жаров касаллиги деб атаганлар. Бу доктор портлаш таъсирига яқин масофадаги қўйларнинг мослашувини ўрганаётиб жуда ғаройиб ҳодисага дуч келади... «Сочилиб» кетган одам бир неча кун бамисоли ўликдай ётган — на нафас олган, на қимирлаган, кейин эса ҳеч нарса бўлмагандай бирданига сакраб туриб кетган.

«Жаров кашфиётига қадар «сочилган» кишилар одатдагидай дафн қилинаверган, — дейди С. Алексеенко. — Кейинчалик уларни сақлаб туришадиган бўлишди. Бу ҳодисани шахсан ўзим ҳам бир неча бор бошдан кечирганман. Йиқилиш олдидан сўнгги таассурот шундайки, кимдир тугмачани босадию, вассалом, мавжудликдан чиқиб кетасан...».

Бу чиндан ҳам «Элдридж»даги воқеаларни эсга солади, тажрибадан сўнг кема экипажида ғалати ҳодисалар юз берган эди. Шоҳидларнинг бу одамлар «ҳақиқий вақт юришидан ортда қолгани» ҳақида гапирганларини эсланг. Дарвоқе, бу ғалати касаллик Форс кўрфази урушида синовдан ўтган кўринмас самолётларни йиққан «Локхид» фирмаси ходимларида ҳам кузатилди. Экспертларнинг айтишича, бу машиналарнинг кўринмаслиги махсус материаллардан фойдаланиш эвазига эришилган. Материалларнинг ўзгача хусусияти, эҳтимол «Элдридж» кемасида тажриба қилинган генераторларга ўхшаш «кўринмаслик» асбоблари билан ишлов берилгандан сўнг юзага келган бўлиши мумкин.

Нақотки, Эйнтшейн айнан шу сирни—бошқа ўлчовларга ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги бор ҳақиқатни ўзи билан бирга қабрга олиб кетган бўлса? Ҳар ҳолда бу тахмин кўп нарсани фаҳмлашга имкон беради. Масалан, итальян тадқиқотчиси Лучиано Боконне ўтказган тажрибаларнинг кутилмаган натижаларини олайлик. Махсус асбоблар воситасида оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган осмондаги маҳлуқлар суратини олишга муваффақ бўлди. Булар «криттерлар», яъни инсу-жинслар—бизга мувозий дунёдан ўтиб қолган, ҳаётнинг ҳавойи шаклидир, — деб ҳисоблайди Боккоке. Нима ҳам дердик, агар ҳар бир ядро портлаши чоғида бошқа дунёга раҳна очилса, инсу жинсларнинг Ерга ўтиб олишлари учун, озмунча имконият туғилмаган. Фақат 1955 йилдан 1973 йилгача собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британияда 960 марта ядро синовлари ўтказилган...

Албатта, тўпланган далиллар ҳали қандайдир қатъий хулоса чиқаришга камлик қилади. Шу боисдан «Феномен» комиссияси сирли ҳодиса юзасидан ўз текширувларини давом эттиришга қарор қилди.

**Русчадан Норбобо ШАКАРОВ таржимаси.**

# БУЮК ОЛИМ ЎЗИ БИЛАН ҚАБРГА ОЛИБ КЕТГАН СИР

*Бошқа дунёга бориш учун самога учиш шартми?*

## • Сизда қандай янгилик бор?

### «АССАЛОМ» БАЙРАМИ

Навоий қурилиш бошқармаси оталиғидаги русийзабон болалар боғчаларида ўзбек тили ўргатила бошлагани айни муддао бўлди. Бу иш тезда ўз самарасини берди. Яқинда шаҳардаги 6-болалар боғчасида ўтказилган «Ассалом» байрамида, тил ўрганувчи кичкинтойлар ўзбекча шеър ва қўшиқлар айтиб, ота-оналарини ҳайратга солдилар.

### ПАХТА ТОЛАСИ ЭВАЗИГА

Самарқанд вилоятида уч ёшгача бўлган болалар сариқ касалига қарши эмлана бошлади. Бунинг учун зарур зардоб хориждан келтирилади. Ҳозирдаёқ унинг дастлабки туркуми етиб келди. Дори «Смит—Клайн» Бельгия—Англия фирмасидан пахта толаси эвазига олинди. **(ЎзА).**


Ўзбекистон овози

# ЖАРЧИНОМА

СИЗГА ОМАД ЖАНУБИЙ УРАЛДАН КЕЛАДИ...

МИНТАҚАМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА

МЫСЛЬ

«МЫСЛЬ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ТОМ ЧЕРЕПИЦАЛАРИ ЧИҚАРАДИГАН ЛИНИЯЛАР СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Соатига 200 тагача черепица қолиплайдиган қурилма. 4 киши ишлайди



Қурилма қисмлари: бетон қориштиргич, 1000 та патни, черепица ажратиш қурилмаси

«Мысл» акционерлик жамияти печ ускуналари етказувчи ва технология жараёнлари бўйича мутахассислар билан шартнома муносабатларига эга.

Йилига беш миллион дона ғишт чиқарадиган завод учун ускуна, муаллақ босим ва куч билан ишлатиладиган бетон қориштиришлар, шлакоблок чиқарувчи ускуналарнинг турли хиллари: қўлда ва ярим автомат бошқариладиган кўчма қурилмалар, муқим босма — ярим автомат ишлаб чиқаради.

Ҳаракатдаги ускуналар павильони доимий ишлаб турибди, тижорат кўргазмаси очилган. Созлаш, ишга тушириш, темир йўлда етказиб бериш ўз ҳисобимиздан. Биздаги нархлар энг арзон нархлар.

...МУДОФАА КОРХОНАЛАРИНИНГ КОНВЕРЦИЯСИ УРАЛЛИКЛАРНИНГ ЮКСАК МАҲОРАТЛАРИ ОМАД КЕЛТИРМОҚДА.

—БИЗ УНИ СИЗ БИЛАН БАҲАМ КЎРИШГА ТАЙЁРМИЗ.

454000. Челябинск, Цивиллинг кўчаси, 16, АО «Мысль».

Туну-кун ишлаб турадиган телефонлар: (3512) 33-36-93, 33-19-05, 33-65-06. Факс: (3512) 36-19-24.

Қўшимча маълумотлар учун: Москва, тел. (095) 975-15-41, Факс (095) 975-39-60.

Санкт-Петербург. тел. (812) 292-18-73.



Тошкент шаҳар коммунал техникуми томонидан Лобанов Александр Юрьевич номига берилган ИТ-I № 148608 рақамли йўқолган диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

●

4 хонали уй 4 сотих ҳовлиси билан (иккита ванна иккита санузел, катта дарвозали)

СОТИЛАДИ.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳар Индустриальная кўчаси 28-уй. тел: 62-58-58; 93-44-66.

Тошкент шаҳридаги квартира ва уй

СОТИЛАДИ

Телефон 41-09-49. Исталган вақтда қўнғироқ қилиш мумкин.

• • •

КВАРТИРА

СОТИБ ОЛАМАН

Телефон: 34-33-43.


### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг муовини

**Улфат Ҳошимович ҲОШИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, жамоаси ва тезкор жарроҳлик ва топография анатомияси кафедралари ходимлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси

**Султон Аминович ДОЛИМОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила-аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қиладилар.

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ: «ФАРЗАНДЛАР — ЖАННАТНИНГ РАЙҲОНЛАРИДУР»
● МУҲАММАД АЛИ ИЖОДХОНАСИДА
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ
● «БОЛА ЎГРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР» (Фельетон).


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. НОСИРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Г—453. № 227. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.